

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАМОНОВА САДОҚАТ ҚОМИЛОВНА

**ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА АСОСЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ЁРДАМИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(олий ҳарбий билим юртлари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Рамонова Садокат Қомиловна

Электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методикаси (олий ҳарбий билим юртлири мисолида).....3

Рамонова Садокат Қомиловна

Методы совершенствование преподавания основы электротехники и электроники с помощью информационно-коммуникационных технологий (на примере высшего военного образования)21

Ramonova Sadoqat Komilovna

Methods of improving the basics of electrical engineering and electronics with the help of information and communication technologies (at the highest level of military education)39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАМОНОВА САДОҚАТ ҚОМИЛОВНА

**ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА АСОСЛАРИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ЁРДАМИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(олий ҳарбий билим юртлари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped1203 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (cspi.uz.ilmiy-kengash) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Суяров Кушарбай Ташбаевич

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашов Мухаммадрасул

техника фанлари доктори, профессор

Хужанов Эркин Бердиевич

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "24" феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash @umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "10" феврал кунлари тарқатилди.
(2022 йил "10" феврал даги 22 рақамли реестр баённомаси).



Ж.Э.Усаров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., доцент

Д.М.Махмудова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.д (PhD), доцент

Р.А.Эшчанов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби ва илмий семинар раиси, б.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё тажрибасида замонавий фан ва техника тараққиёти шароитида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларда нанотехнология ва наноўлчамли материаллар физикаси, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва мобил алоқа воситаларининг таълим муҳитининг такомиллашишига таъсири кенг миқёсда ўрганилмоқда. Европа давлатлари ҳарбий соҳасини модернизация қилиш жараёнида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳарбий билим юрти мутахассисликларида физика фанининг амалий жиҳатларига устуворлик бериш асосида ўқитиш бўлажак офицерларнинг амалий тайёргарлигини кучайтириш, ЮНЕСКО томонидан “таълим концепциясини ҳаёт давомида амалга ошириш” тамойиллари алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон таълимидаги инновацион ўзгаришлар бўлажак ҳарбий мутахассисларнинг замонавий стратегиясини, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, кўп вариантли таълим технологияларини қўллаш ҳамда ҳарбий муҳандислик касбий таълимнинг методик таъминотини бойитишнинг илмий асосини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу эса ҳарбий билим юртлари таълим муҳитида замонавий техника ва техник жиҳозлар, хусусан, ҳарбий техника ва унда қўлланилаётган электрон қурилмалар, автоматлашган бошқарув воситалари уларнинг ишлаш принципини ва ўрнини англашда мутахассисдан интергацион зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлишини тақозо этади. Зеро, ҳарбий техникалар асосини электротехник ва электроника асбоб-ускуналари ташкил этади. Шу боис олий ҳарбий билим юртлари (тренажёр ва амалий машғулотлар) курсантларида зарурий касбий кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик тамойилларини бойитиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган тадқиқотлар марказида шахсга йўналтирилган таълим шакллари, таълимнинг инновацион кластерли ёндашувида таълимнинг барча босқичларида кўп вариантли таълим технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида¹ “сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада олий ҳарбий таълим жараёнига, жумладан, электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, фанни ўқитиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. 6-сон. 70 модда.

методикасини такомиллаштириш асосида компетентли харбий муҳандисларни тайёрлаш заруриятга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланибшининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари томонидан Олий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, фанни ўқитишнинг замонавий муаммолари ва дидактик таъминотига доир ишлар А.И.Хонбобоев, Н.А.Халилов, А.С.Каримов, М.Ибадуллаев, В.Абдуллаев, Х.К.Арипов, М.М.Мирҳайдаров, Ш.А.Пазилова, Т.А.Махмудов компетенциявий ёндашув асосида фанни ўқитиш ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалаларида У.И.Иноятов, Н.Ш.Турдиев, Ж.Э.Усаров, Г.О.Эрназарова, Б.Бобоев фанни ўқитишда ахборот-таълим ресурсларини қўллаш масалалари А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, О.Х.Туракулов, М.М.Арипов, Н.И.Тайлақов каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари А.С.Касаткин, В.В.Афонин, С.А.Борминский, Н.А.Макенова, Л.В.Равичев, А.Е.Каплянский, Д.Д.Дондоков, О.В.Филимонова, А.И.Шимаров, В.Цапенко томонидан электротехника ва электроника асослари фанининг ўқитиш методикасини ривожлантиришга доир ишлар тадқиқ этилган. И.В.Роберт, Е.С.Полат, С.С.Великанова, Ю.Сероусов, И.Железняк ва бошқа олимлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилинган.

Шунингдек, хорижда Don Johnson, B.L.Theraja, K.Charles, A.Matthew каби олимлар томонидан электротехника ва электроника асослари фанининг назарий-методологик асослари ўрганилган.

Таҳлилга кўра, олий ҳарбий билим юрти физика дарсларида курсантларнинг ўқув фаолиятини жадаллаштиришга имкон берувчи ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг замонавий ёндашувларини педагогик муаммо сифатида ўрганиш зарурати мавжуд.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган “Педагогик таълим инновацион кластери” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг методик хусусиятларини аниқлаштириш;

олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг методик тузилмасини тадқиқ қилиш;

электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш;

ахборот-коммуникация технологиялари воситасида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштиришнинг методик тизимини шакллантириш жараёни белгиланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти ҳамда Қарши олий ҳарбий авиация билим юртларининг жами 262 нафар курсантлари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети олий ҳарбий билим юртларида электротехника ва электроника асослари фанининг мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари ва усуллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий, ўқув ва методик адабиётларни таҳлил этиш асосида бир қанча тадқиқот методлари қўлланилган. Умумантикий (моделлаштириш, таққослаш, индукция, дедукция) методлари, умумилмий (илмий-техник маълумотларни назарий ва қиёсий таҳлил, педагогик эксперимент) методлар ҳамда эмпирик

(кузатув, сўровнама, тест, суҳбат, педагогик экспериментни олиб бориш) методлари ҳамда тажриба-синов натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг методик хусусиятлари рационаллик ва эмоционаллик, назарий ва эмпирик билимларнинг бирлиги, электротехниканинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги каби умумдидактик тамойилларини компьютерли чизматехник моделлаштириш жараёналарига компаративистик тарзда татбиқ этиш орқали аниқлаштирилган;

электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг методик тузилмаси (компонентлари, босқичлари)нинг электр занжирларни алмаштириш чизмаси, моделлаштириш, векторли диаграммалар, аналитик методларни ахборот технологияларини қўллашга имкон берувчи чизма-тасвирий моделлар (ментал карт, мантиқий граф, фрейм) билан модификациялашнинг продуктивлигини таъминлаш асосида ўрганилган;

электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг дидактик модели конструктив-техник масалаларни ечиш жараёнида ижодий техник фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий билиш шакл ва методларининг (кузатиш, эксперимент, таққослаш, фаразларни илгари суриш, аналогия, анализ, синтез, умумлаштириш) мажмуавий қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг методик таъминоти электрон дастурий воситаларни (Virtual bread board, NI Multisim 14, Proteus 8 Professional, ARDUINO платаси дастурлари) изланиш-тадқиқотчилик фаолият жараёнида техник интеллектни ривожлантиришга мақсадли йўналтиришга хизмат қиладиган тест-картларни адаптив тарзда ишлаб чиқиш орқали ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг хотира, фикрлаш ва кузатувчанлигини ривожлантиришга, янги материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга имкон берувчи дастурий воситалар, назорат топшириқлари, тест синовлари ва дарс ишланмаларидан машғулот жараёнида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш учун “Электротехника ва электроника асослари фанидан амалий машғулотлар тўплами” ҳамда “Электроника ва рақамли техника фанидан амалий ишлари учун услубий кўрсатма”(1,2-қисм), “Электроника ва схемотехника фанидан амалий ишлар учун услубий кўрсатма (махсус факультет талабалари учун)” номли ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилди ва амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тажриба-синов ишларининг таҳлили, яратилган ўқув қўлланмалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича дастурий методик таъминот, ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар олий ҳарбий билим юрти курсантларининг ижодий (изланувчанлик, тадқиқотчилик, конструкторлик) қобилиятларини ривожлантириши, таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳамда курсантларда ўқув билиш фаолиятининг фаоллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ҳарбий таълимда электротехника ва электроника асослари фанини курсантлар анъанавий ва аралаш таълим шароитида мустақил ўрганишлари учун имкон яратади ҳамда ўқув жараёнининг самарасини ошириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методикаси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитиш методик хусусиятларини рационаллик ва эмоционаллик, назарий ва эмпирик билимларнинг бирлиги, электротехниканинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги каби умумдидактик тамойилларини компьютерли чизматехник моделлаштириш жараёнларига компаравистик тарзда татбиқ этиш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Электротехника ва электроника асослари фанидан амалий машғулотлар тўплами” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 8 сентябрдаги 10/1984-сон маълумотномаси). Натижада олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини инновацион ёндашувлар асосида ўқитиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган;

электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг методик тузилмасини электр занжирларни алмаштириш чизмаси, моделлаштириш, векторли диаграммалар, аналитик методларни ахборот технологияларини қўллашга имкон берувчи чизма-тасвирий моделлар билан модификациялашнинг продуктивлигини таъминлаш асосида аниқлаштириш, электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг дидактик модели конструктив-техник масалаларни ечиш жараёнида ижодий техник фикрлашни ривожлантиришга хизмат

қилувчи илмий билиш шакл ва методларини мажмуавий қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ОТ-Атех-2028-519 “Компьютерда иммитацион моделлар асосида виртуал ресурслар Web иловасини дастурий таъминотини яратиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 8 сентябрдаги 10/1984-сон маълумотномаси). Натижада олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашган;

электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг методик таъминоти электрон дастурий воситаларни изланишли-тадқиқотчилик фаолият жараёнида техник интеллектни ривожлантиришга мақсадли йўналтиришга хизмат қиладиган тест-картларни адаптив тарзда ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Электротехника ва электроника асослари” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 8 сентябрдаги 10/1984-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак офицерларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 2 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари ишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, аниқланган илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида олий ҳарбий таълим

муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишнинг шакли ва методлари, электротехника ва электроника асосларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари ҳамда олий ҳарбий билим юртлирида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари таҳлил қилинган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар узлуксиз таълимда, яъни умумтаълим ва олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим мазмунида аксарият ҳолда фундаментал билимларни бериш назарда тутилган бўлса, бугунги кунда таълимнинг очиклик тамойилига кўра янги истиқболли таълим ва ахборот технологиялари ўқув жараёнига кенг татбиқ этилмоқда. Хусусан, Р.Ҳамдамов, У.Ш.Бегимкулов, Н.И.Тайлоқов каби республикамиз олимларининг ишларида таълимда замонавий ахборот технологияларини ривожланаётган йўналишларга: ўқув мақсадларидаги дастурий воситаларнинг ўрганиш объекти ва ахборотларни қайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиш; ўқув-методик мажмуалар яратишда, ўқув-намойиш асбоблари ва компьютер воситалари имкониятларининг интеграцияси; мультимедиа тизимларини яратишда, компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятларининг интеграциясига эришиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимаси Н.Г.Панкова, электротехникага оид тушунчаларини ўзлаштиришда талабанинг фазовий тасаввур қилишини вербал график асосида ривожлантириш, А.В.Гамов талабалар интегртив билимларни ўзлаштириш орқали замонавий мутахассисда акс этилиши муҳим бўлган ижодий фикрлаши, когнитивлик, ўзи мустақил хулоса чиқариши каби ёндашув асосида касбий компетенцияни ривожлантириш, Л.Н.Королькова электротехника фанини ўқитишда компьютерлаштиришнинг педагогик (мазмуний, технологик, техник, мутахассислик) шартларига кўра талабада самарали ўқитишнинг баҳолаш (когнитив, фаолиятли, мотивацион) мезонлари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ўқитиш дидактикасининг асосий муаммолари: ўқитиш қонуниятларини очиш, таълим мазмунини ойдинлаштириш, ўқитишнинг энг самарали методларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнини ташкил этиш, таълимга оид технологиялардан унумли фойдаланиш, билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолиятини ташкил этиш, талабаларда билишнинг когнитив ва креатив сифатларини, изланувчанлик қобилиятини, ахборот маданиятини, ўқув фаолиятига оид тадқиқотчилик кўникма ва малакаларни ривожлантириш масалалари хорижий ва республикамиз олимларининг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Тадқиқотимиз давомида олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанларини ўқитиш ва мазкур йўналишда компетентли мутахассисларни тайёрлаш муаммосига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилди. Биринчидан, таълим муассасаларида электротехника ва электроника фанларини анъанавий ўқитиш методикаси

замонавий касбий фаолият мазмунида етарлича очилмаётгани, иккинчидан, мазкур фанни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан фойдаланишнинг ёрқин ифодаланган тенденцияларига эга бўлган дастурий таъминоти ишлаб чиқилмаганлиги ва учинчидан эса, ҳаётий эҳтиёжларимизга электротехника ва электроникага оид замонавий электр ва электрон қурилмаларнинг жадал кириб келиши ва бу қурилмалардан фойдаланиш масаласи амалдаги ўқув адабиётларда етарлича акс этмаганлигидир.

Электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда педагогика, психология, фалсафа ва техника фанлари тадқиқот майдонларининг кесишаётганлиги ва турли фанларнинг интеграциялашиб бораётганлигини, хусусан, ушбу фанни ўқитиш методикаси физика, математика, ахборот технологиялари ва умумтехник фанлари билан узвий ўзаро боғланганлиги юзасидан олиб борилган адабиётлар таҳлилига ва педагогик тадқиқотларга кўра, талабаларда электротехник тайёргарлик назариясининг мукамаллиги, бўлғуси мутахассисларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантиришга, олий ҳарбий таълимни модернизациялаш йўллари қидириш каби педагогик жиҳатлар ўқитиш жараёнига ахборот технологияларини қўллашни тақозо этмоқда. Бугунги кун талаби олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитиш методик хусусиятлари рационаллик ва эмоционаллик, назарий ва эмпирик билимларнинг бирлигини таъминлаш орқали амалга оширилишини тақозо этади.

Демак, таълимдаги инновацион ўзгаришлар, жумладан, олий ҳарбий таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг инновацион стратегиясини, таълимнинг мазмунини лойиҳалаштириш, кўп вариантли таълим технологияларини қўллаш, электротехниканинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги каби умумдидактик тамойилларини компьютерли чизматехник моделлаштириш жараёнларига компаравистик тарзда татбиқ этиш ҳамда муҳандислик касбий таълимнинг методик таъминотини бойитишнинг илмий-методик асосини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методикаси” деб номланиб, унда олий ҳарбий билим юртида электротехника ва электроника асосларини ўқитишнинг замонавий шакллари ва ўқитиш методикаси, олий ҳарбий билим юрти курсантларида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш модели ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга оид дастурий дидактик таъминоти хусусида фикр юритилган.


Таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ташкил этишнинг асосий мақсади сифатида ўрганилаётган материалнинг тезлиги ва ҳажмини индивидуализация қилиш, курсантларнинг мустақил

тайёрланиш имконияти ва материални ўзлаштириш сифатини тезкор назорат қилишларни келтириб ўтиш мумкин. Шу маънода ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги бир томондан, ўқув дарсликларининг мазмуни ва расмийлаштириш имкониятига, бошқа томондан эса талабаларнинг мустақил ишлаш даражасига боғлиқ бўлади. Бугунги замонавий ўқитиш тизимида аралаш таълимни ташкил этиш зарурий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллашда уларнинг мустақил ишларининг ташкил этилиши ва ўзини ўзи бошқариш воситаси сифатида намоён бўлади. Мустақил таълим эса, машғулотларда олинган билимларни янади кенгайтириш, курсантларнинг индивидуал қобилиятларни синаб кўриш ва ривожлантириш, шунингдек, тасдиқланган ўқув режа асосида касбий фаолият компетенциясини таъминлашни назарда тутди.

Ҳарбий билим юртларида электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг методик тузилмаси компонентлари: электр занжирларни алмаштириш чизмаси, моделлаштириш, векторли диаграммалар, аналитик методларни ахборот технологияларини қўллашга имкон берувчи чизма-тасвирий моделларнинг ментал карт, мантикий граф, фрейм технологиялари билан модификациялашнинг продуктивлигини таъминлаш асослари тадқиқ қилинди. Бунда физика ўқитиш жараёнида курсантларнинг хотира, фикрлаш ва кузатувчанлигини ривожлантиришга, янги материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш, касбий компетенцияни шакллантиришга имкон берувчи дастурий воситалар, назорат топшириқлари, тест синовлари ва дарс ишланмаларидан машғулот жараёнида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Бўлажак офицерларнинг техник фикрлашини ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий билишнинг шакллари ва кузатиш, эксперимент, таққослаш, фаразларни илгари суриш, анализ, синтез, умумлаштириш каби методларини курсантлар билимини ривожлантирувчи ва таълимий хотирани, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда курсантларда таълим фаолияти барқарор мотивларини тарбиялаш, ақлий меҳнат кўникмалари, ўзини ўзи тарбиялаш каби тайёргарлик даражасини кўзда тутди. Мазкур масалаларни ҳал қилиш курсантларда АКТ дан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш моделини ишлаб чиқишни тақозо этади(1-расм).

Курсантларда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)дан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш моделида ўқитишнинг назарий методологик компоненти, ўқув жараёнини ташкил этишга оид ташкилий жараён компоненти, ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш объектлари ва баҳолаш компонентининг ўзаро узвийлиги курсантларда АКТ компетентлигининг ривожланишига хизмат қилди. Шунингдек, модел ўзаро бир-бирига алоқадор бўлган таркибий қисмлардан иборат бўлиб, улар ўқитишдаги таълим методлари; ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари; ўқитишда қўлланиладиган техник воситалар ва дастурий таъминот ҳамда якуний натижаларни қамраб олади.



1-расм. Курсантларда АКТдан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш модели.

“Электротехника ва электроника асосларини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитишни такомиллаштириш” модели ўқитишда қўлланиладиган таълим (муаммоли, қисман изланувчан, лойиҳа, тадқиқот) методлари, ўқитиш жараёнида фойдаланадиган электрон дастурий таъминот ва ўқитишнинг техник воситалари орасидаги ўзаро алоқадорлик элементларини ўз ичига олади.


Моделдаги назарий-методологик компонент ўз ичига ахборот-коммуникатив технологияларидан фойдаланишнинг психологик, дидактик, технологик ва ташкилий коммуникативлик тамойиллари ва интегратив, компетентли, синергетик, ахборот вариативлиги ёндашувларни ўз ичига олади.

Ташкилий-жараён компоненти курсантларга электр занжирини ўрганиш ҳамда уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган, яъни курсантларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга тайёрлашда ахборот блокинни ташкил этувчи Microsoft Office пакетига кирувчи MS Word, MS Excel, MS Power Point каби дастурлар ва амалий блокда NI Multisim дастури, ARDUINO платаси, Project board макет платасидан фойдаланишни назарда тутди.

АКТ дан фойдаланиш компетенциялари шаклланганлик даражаларини баҳолашда курсантлар ўзини ўзи ривожлантириш асосида касбий компетенциясини шакллантириш юзасидан касбий фаолиятга йўналтирилган амалий топшириқлар, электротехника ва электроника оид лаборатория ишлари, касбий-амалий лойиҳалар, кузатиш ва тадқиқотчиликка йўналтирилган лойиҳа ишларининг ҳамда курс ишлари, ҳаётий-касбий компетентликка оид топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Интернет маълумотлари таҳлиliga кўра, тайёр дастурларда фойдалана олиш хусусиятини баҳолашда репродуктив, электр занжирларини мустақил йиғиш ва улардаги носозликларни бартараф этиш, электротехник қурилмалар билан ишлаш кўникмасининг шакланганлигини баҳоловчи продуктив ва курсантларнинг физик қурилмалар тузилиши ва уларнинг ҳар бир элементини ўрганиш, мустақил дастурлар ёза олиш каби жиҳатларини баҳоловчи креатив мезонлар асосида, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенциянинг шакланганлиги “паст” “ўрта” ва “юқори” даражалар билан баҳоланади.

Курсантларнинг касбий фаолият компетентлигини ривожлантириш методикасининг ўқув материални бериш жараёнида фрейм-рамка модели орқали маълумот матнга эътибор қаратиш, миқдорлар орасидаги сабаб-оқибат муносабатларини кўрсатиш, фрейм-мантикий фикрлаш схемасида ўқув ахборот таркибинини аниқлаш, билимларни тизимлаштириш, ўқув жараёнининг энг муҳим элеменларига эътибор қаратилади, фрейм сценарийсида бирор жараённи ўрганишга оид ҳаракатни бажариш тартиби, ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш орқали талабаларда мантикий, муаммоли, ижодий фикрлашни ривожлантириш имкониятини беради.



2-расм. Дастурий воситалар ёрдамида “Электр занжирини ўрганиш”нинг фрейм схемаси.

Амалий машғулотларнинг ташкилий-методик таъминотини замонавий ахборот-коммуникацион ва педагогик технологиялар ёрдамида такомиллаштиришнинг инновацион ёндашувида курсантларда электротехника ва электроника асослари фанига қизиқишларининг янада кучайиши, фанга доир билимларни янада тўлиқ ва чуқур эгаллашларини ҳамда эгаллаган билимларни касбий фаолиятда мустақил қўллай олиш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Мазкур моделининг яратилиши ва олий ҳарбий билим юртларида жорий этилиши, фаннинг амалий машғулотларини ўтказиш ҳамда мустақил таълимда курсантларни ижодий фаолликка йўналтириб, эришилган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллай олиш, физик ҳодиса ва жараёнлари орасидаги ўзаро боғланиш қонуниятларини билиши, уларда лойиҳа ва конструкторлик ишларини бажаришда энг мақбул усулларни таклиф қилиш кўникмаларининг шаклланишига имкон беради.

Диссертациянинг учинчи боби “**Электротехника ва электроника асослари фанини ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари таҳлили**” деб номланиб, унда тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг асосий шартлари, тажриба-синов ишларини ўтказиш бошқичлари, тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили масалаларига бағишланган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг асосий шартлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалий ва мустақил таълимда мультимедиа ўқитиш тизимини жорий этишнинг дидактик, методик ва психологик-педагогик талабларининг мазмунини аниқлаш;

замонавий таълим бериш шароитида курсантларнинг ўқув-ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган мультимедиа ўқитиш технологиялари бўйича яратилган электрон дастурий таъминотларни ўқув жараёнида тажриба-синовдан ўтказиш;

курсантларга интегратив ёндашув асосида уларнинг интегратив фикрлаш, ахборот олиш маданияти, ижодий фаоллик ва касбий билимлар эгаллаш мақсадида касбий компетенцияларини шакллантириш бўйича методик ишланмаларни ишлаб чиқиш;

мазкур тадқиқотчилик иши жараёнида тайёрланган электрон таълим ресурсларни ва қўлланмаларни тажриба-синовдан ўтказиш.

Тажриба-синовнинг биринчи (2017-2018 йй.) изланувчи босқичида тадқиқот ишига оид илмий ва методик ишлар таҳлил қилинди ҳамда тадқиқотнинг мавзуси, мақсади ва вазифалари ойдинлаштирилди. Амалий ва мустақил машғулотларнинг дидактик таъминотига оид турли даражадаги амалий ва мустақил топшириқлар ҳамда баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синовнинг (2018-2019 йй.) шакллантирувчи босқичида дастлаб тажриба ўтказиладиган олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти ўрганилди, шу билан бирга моддий таъминотга мос амалий машғулот ва мустақил таълим топшириқлари белгилаб олинди. Мазкур босқичда ўқув-ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган мультимедиа ўқитиш технологиялари бўйича яратилган электрон дастурий таъминотлар тажриба-синов жараёнига қўлланилди. Тажриба-синов назорат гуруҳларида анъанавий усулда, тажриба гуруҳларида эса, биз томондан таклиф қилинган методика асосида олиб борилди. Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг Қоровул хизматининг техник қўриқлаш воситалари ва Умумқўшин факультетининг (ўқчи ва чегара бўлинмалари тактик қўмондонлиги йўналишларидан бошқа) барча йўналишларида, Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти ҳамда Қарши олий ҳарбий авиация билим юртининг барча йўналишларида тажриба-синов ўтказилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида (2019-2021 йй.) тажриба-синов ишларининг математик-статистик таҳлили амалга оширилди ва умумлаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси (71 нафар)				Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти (135 нафар)				Қарши олий ҳарбий авиация билим юрти (56 нафар)			
	Тажриба гуруҳи				Тажриба гуруҳи				Тажриба гуруҳи		
x_i	3	4	5	x_i	3	4	5	x_i	3	4	5
n_i	6	21	9	n_i	23	30	15	n_i	8	14	6
	Назорат гуруҳи				Назорат гуруҳи				Назорат гуруҳи		
y_i	3	4	5	y_i	3	4	5	y_i	3	4	5
m_i	20	9	6	m_i	46	14	7	m_i	19	6	3

Олинган натижаларга кўра, вариацион қаторлар асосида статистик таҳлил натижаларини келтирамиз (2-жадвалга қаранг).


Тажриба-синов якунидаги натижалар статистик таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси										
	3	4	5	жами	ўртача	дисперсия	вариация коэфф.д.	ишончли оралиқ	хи-квадрат статистик қиймати Критик қиймат	самара дорлик
Тажриба гуруҳи	6	21	9	36	4,08	0,36	14,42	4,00- 4,33	6,21	1,13
Назорат гуруҳи	20	9	6	35	3,60	0,58	21,21	3,39- 3,81	5,99	
Хулоса	Н ₁ гипотеза қабул қилинади									
Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти										
	3	4	5	жами	ўртача	дисперсия	вариация коэфф.д.	ишончли оралиқ	хи-квадрат статистик қиймати Критик қиймат	самара дорлик
Тажриба гуруҳи	23	30	15	68	3,88	0,54	19,02	3,74- 4,03	8,32	1,13
Назорат гуруҳи	46	14	7	67	3,42	0,45	19,67	3,28- 3,55	5,99	
Хулоса	Н ₁ гипотеза қабул қилинади									
Қарши олий ҳарбий авиация билим юрти										
	3	4	5	жами	ўртача	дисперсия	вариация коэфф.д.	ишончли оралиқ	хи-квадрат статистик қиймати Критик қиймат	самара дорлик
Тажриба гуруҳи	8	14	6	28	3,92	0,41	15,68	3,87- 4,30	6,47	1,14
Назорат гуруҳи	19	6	3	28	3,43	0,46	19,76	3,22- 3,64	5,99	
Хулоса	Н ₁ гипотеза қабул қилинади									

Олиб борилган педагогик тажриба-синов ишларини статистик таҳлил қилишда Н₀ ва Н₁ гипотезалар χ^2 статистика мезони $T = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_1 O_{2i} - n_2 O_{1i})^2}{O_{1i} + O_{2i}}$ формуласи асосида текширилди. Бунда n_1 – тажриба ва n_2 – назорат гуруҳларидаги курсантлар сони. O_{1i} ва O_{2i} лар мос равишда назорат ва тажриба гуруҳларида баҳолаш тоифалари бўйича олинган даражалар сони. Тадқиқот ишида эркинлик даражаси – $\nu = 2$ ва $i = 1, 2, 3$ – тоифа рақамлари (c

= 3). Ишончли фарқланиш даражаси 0,05 бўлганлиги учун Пирсон мезони коэффициентининг қиймати жадвалдан олинган $T_{\text{мез}}=5,99$ га тенг қиймат олинди. “Хи-квадрат” методида ҳисобланилган $T_{\text{куз}}$ қиймати барча ҳолларда $T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}}$. эканлиги аниқланди, яъни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида $5,99 = T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}} = 6,21$, Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида $5,99 = T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}} = 8,32$ ва Қарши олий ҳарбий авиация билим юртида $5,99 = T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}} = 6,47$.

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси курсантларининг самарадорлиги 13 %га, Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти курсантларининг самарадорлиги 13 %га ва Қарши олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларининг самарадорлиги 14 %га ортанлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги 2-жадвалдаги вариацион қаторнинг гистограммаси 3-расмда келтирилган.



Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари
академияси

Чирчиқ олий танк
қўмондонлик муҳандислик
билим юрти

Қарши олий ҳарбий авиация
билим юрти

3-расм. Курсантларнинг тажриба-синов якунида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи диаграммаси.

Тажриба-синов натижасида биз томондан тавсия этилган ўқитиш методикаси анъанавий олиб борилган ўқитиш методикасига нисбатан самарали эканлиги исботланди. Ўтказилган тадқиқотлар илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Тадқиқот якунида ишлаб чиқилган методик тизимни педагогик тажриба-синовга жорий қилиш натижасида курсантларда ўқув билиш фаолиятининг амалий кўрсаткичлари 13 %га ошишига эришилди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методикаси” (олий ҳарбий билим юртлари мисолида) мавзусида олиб борилган илмий ва методик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитишнинг педагогик шарт-

шароитларининг аниқлаштирилиши курсантлар эгаллаши лозим бўлган таълимий натижалар, яъни билимлар (масалан, электр занжиридаги ҳар бир элементнинг вазифаси ва ишлаш тамойиллари), кўникмалар (электр занжир элементлари билан ишлаш, мустақил равишда NI Multisim, Virtual breadboard дастурлари асосида электр занжирини йиғиш) ва малака (лойиха ишларида иштирок этиш)ларга эга бўлишнинг имкониятлари кенгайтирилди.

2. Интегратив, компетентли, синергетик ва ахборотли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган “Ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш модели”га кўра, олий ҳарбий билим юрти курсантларида амалий машғулотларда ва мустақил таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари такомиллаштирилди.

3. Ахборот муҳити шароитида курсантларда ўқув ва амалий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган дидактик таъминот (тест ва масала топшириқлари, электр занжирини йиғиш, хато йиғилган занжирларни тўғрилаш, амалий машғулот топшириқлари)ни мустақил таълим орқали амалга оширишнинг шакли ва усуллари аниқланди.

4. Электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитишнинг ўқув дастурий таъминоти компетенциявий ёндашув асосида мутахассисликка доир кўникмаларини эгаллашга қаратилган ҳамда уларни ахборот ва амалий блоклари асосида амалга ошириш усуллари ойдинлаштирилган.

5. Курсантларга фан асосларини ўзлаштиришга қаратилган амалий, лаборатория, ижодий лойиха ва ўқув-тадқиқот ишларининг тақдим этилиши, уларда когнитив ва креатив сифатларнинг шаклланишига олиб келиши тадқиқот ишимиз давомида аниқланди.

6. Олий ҳарбий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишни ўқув режасида белгиланган дарс соат ҳажмида, курсантларга ўқув дастурида қўйилган билим, кўникма ва малака талаблари ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида маъруза, амалий машғулот, лаборатория ишлари ва мустақил таълим орқали жадаллаштириш имконияти аниқланди.

7. “Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш модели”нинг амалиётга жорий этилиши натижасида курсантларда ўзлаштириш самарадорлиги (13 %га) ортганлиги математик-статистик метод ёрдамида ишлаб чиқилди.

Талабаларда электротехника ва электроника асослари фанига оид билим, малака ва кўникмалар шакллантиришга доир тақлиф ва тавсиялар:

1. Техника йўналишидаги таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитишнинг илмий-методик тамойилларини ишлаб чиқиш.

2. Мудофаа вазирлиги тасарруфида табиий-илмий ва умумтехник фанлари бўйича махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

РАМОНОВА САДОКАТ КОМИЛОВНА

**МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОБУЧЕНИЯ КУРСА
ОСНОВЫ ЭЛЕКТРОТЕХНИКИ И ЭЛЕКТРОНИКИ ПРИ ПОМОЩИ
ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
(на примере высших военных учебных заведений)**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером B2020.4.Phd/Ped1203 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета (cspi.uz.ilmiy-kengash) и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net.uz)

Научный руководитель:

Суяров Кушарбай Ташбаевич
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам,
доцент

Официальные оппоненты:

Эргашов Мухаммадрасул
доктор технических наук, профессор

Хужанов Эркин Бердиевич
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «24» февраля 2022 года в 14⁰⁰ часов на собрании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 по присуждению научных степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, 104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирован под номером 80). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, 104.). Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «10» февраля 2022 года.
(Протокол реестра № 22 от «10» февраля 2022 года).



Ж.Э.Усаров

Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, д.п.н., доцент

Д.М.Махмудова

Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.п.д. (PhD), доцент

Р.А.Эшчанов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом опыте фундаментальные исследования в области современной науки и технологий, мер безопасности, генерации энергии, нанотехнологий и физики наноразмерных материалов, совершенствования мобильных устройств и систем, включая быстрое развитие и обновление промышленной электроники, обучение специалистов в этих сферах является одной из стратегических задач, стоящих перед образовательными учреждениями. В частности, принципы преемственности и непрерывности образования играют особую роль в непрерывной реализации концепции образования, продвигаемой ЮНЕСКО как важнейшей проблемы XXI века. В связи с этим инновационные изменения в образовании требуют разработки инновационной стратегии образовательного процесса в высшей школе, проектирования образовательного процесса, использования мультидисциплинарных образовательных технологий и научной основы для обогащения методического обеспечения инженерного профессионального образования.

Современная техника и оборудование, производимые сегодня в мире, особенно в информационной среде, требуют от специалиста необходимых знаний и навыков для понимания принципов и работы современной военной техники и электронных устройств, используемых в ней, автоматизированных средств управления, различных вычислительных в ней элементов. Использование электротехнического и электронного оборудования во всех областях вооруженных сил является одним из наиболее актуальных вопросов передачи курсантам достижений в области электротехники и электроники, в частности необходимых профессиональных навыков использования военной техники в системе высшего военного образования (тренажеры и практические занятия), посредством использования информационных и коммуникационных технологий.

В центре исследований развития высшего образования в нашей стране важную роль играет развитие личностно-ориентированных форм обучения, многовариантных образовательных технологий на всех этапах обучения в инновационном кластерном подходе к образованию. Приоритетной задачей в Стратегия действий определено «повышение возможностей качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»¹. В рамках масштабных реформ в этой сфере необходимо готовить компетентных военных инженеров в процессе высшего военного образования, с использованием современных педагогических технологий и информационно-коммуникационных технологий при обучении основам электротехники и электроники.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. - Т., 2017. Выпуск 6, статья 70.

реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию области информационных технологий и коммуникаций», Решении РП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в комплексных реформах в стране», РП-5032 от 19 марта 2021 года «О мерах по повышению качества обучения в области физики и развития научных исследований», а также других нормативно-правовых документов, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

